ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 17 феврал, шанба № 22 (2279)

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори*

*2007 йил 12 феврал*

## 2006 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида

**1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2006 йилда:**

— иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланди — ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 10,8 фоизга, истеъмол товарлари — 20,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш — 6,2 фоизга, пулли хизматлар — 19,3 фоизга, пудрат қурилиш ишлари — 12,8 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захиралари 1,6 баравардан зиёд ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз миқдоридаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси 6,8 фоизгача пасайди;

— инвестиция муҳити яхшиланди, хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш кўламлари ўсиб, ҳажми 25,4 фоизга кўпайди. Инвестициялар умумий ҳажмининг 68,3 фоизи ишлаб чиқариш секторига жалб этилди, технология паркини янгилашга ва янги асбоб-ускуналар сотиб олишга жами инвестицияларнинг қарийб 50 фоизи йўналтирилди;

— қишлоқ хўжалигида чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. 2006 йилда 666 та ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ҳисобига 74 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилди, уларнинг ярмидан кўпроғи мева-сабзавотчилик йўналишидадир. Қишлоқда меҳнат кооперациясининг янги шакллари жорий этилди, мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштиришга ҳамда уларни чуқур қайта ишлашга ихтисослаштирилган қарийб 200 та агрофирма ташкил қилинди;

— ташқи иқтисодий фаолият кўламлари ўсди, товар маҳсулотлар экспорти ҳажми 31,5 фоизга кўпайди, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси қарийб 2 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди;

— аҳоли турмуш даражасининг ва иш билан банд этишнинг изчил ўсиши таъминланди. Ишлаётганларнинг реал иш ҳақи 36 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса ўртача 22 фоизга кўпайди. 2006 йилда 570 мингдан ортиқ иш ўринлари, шу жумладан касаначиликни йирик саноат корхоналари билан кооперациялаш ҳисобига 60 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди;

— таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги мақсадли умуммиллий дастурларни амалга оширишга катта эътибор қаратилди. 2006 йилда 8 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 6 та академик лицей ва 70 минг ўринли 124 та касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди, 61 та янги мактаб қурилди, 385 та мактаб мукаммал реконструкция қилинди ва 530 та мактаб таъмирланди.

Шу билан бирга, аҳолини иш билан банд этиш муаммоси кескинлигича қолмоқда, корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёни етарли суръатларда бормаяпти, асбоб-ускуналарнинг эскириш даражаси юқорилигича қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини, энг аввало, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, деҳқон ва фермер хўжаликларини наслдор чорва моллари ва озуқалар, шунингдек зооветеринария хизмати билан таъминлаш муаммолари сусткашлик билан ҳал этилмоқда.

Фонд бозорида ва қимматли қоғозлар бозорида ишларнинг аҳволи қониқарсизлигича қолмоқда, акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқариш тизимида жиддий камчиликлар мавжуд.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик потенциали тўлиқ даражада очилмаган ва сафарбар қилинмаган, унинг тузилмаси ва техник жиҳатдан жиҳозланганлик даражаси ўсиб бораётган талабларга жавоб бермайди. Давлат назорат органларининг корхоналар хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашуви давом этмоқда. Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси ва сифати аҳолининг ортиб бораётган талабига мувофиқ эмас. Уй-жой ва коммунал хўжалигини бошқариш ва уларга хизмат кўрсатиш тизими янада ислоҳ қилишни талаб қилади.

Банкларнинг капиталлашув даражаси паст, банк хизматлари бозорида рақобат мавжуд эмас, банклар ўз капитали билан инвестиция жараёнларида суст қатнашмоқда.

**(Давоми 2-3-бетларда).**

Ўзбекистон ва жаҳон



***«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари мухбирлари Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Маттиас Майерга бир неча саволлар билан мурожаат этди. Қуйида ушбу суҳбат эътиборингизга ҳавола этилмоқда.***

## Ҳамкорлик ва тараққиёт йўлидан

***Мухбир: – Муҳтарам элчи жаноблари, Германия ҳақида, Германия-Ўзбекистон муносабатлари ва унинг истиқболлари ҳақида гапириб берсангиз.***

**Элчи**:

— Бажонидил. Германия Федератив Республикаси Европанинг марказида жойлашган. 1990 йил 3 октябрда Шарқий ва Ғарбий Германия ягона давлат бўлиб бирлашганидан кейин мамлакатимиз Шарқ ва Ғарбни боғловчи муҳим жуғрофий ҳудуд мақомига эришди. Европа Ҳамжамияти ва НАТОнинг аъзоси сифатида ҳам Германия Марказий ва Шарқий Европа давлатларини бир-бирига боғловчи звено ролини ўйнамоқда.

Бевосита Германиянинг ўзида амалга оширилаётган ишларга келсак, Шарқий ва Ғарбий Германия ўртасидаги номутаносибликка барҳам бериб, Шарқий Германия аҳолисининг иқтисодий, сиёсий дунёқараши ва маънавий-маърифий турмуш тарзини Ғарбий Германия даражасига кўтариб олиш борасида жуда катта ишлар давом эттирилмоқда. Тўғри, бу борадаги ислоҳотларни амалга ошириш осон кечмаяпти. Тили ва дини бир бўлган, бироқ икки хил тузумда яшаган халқнинг ҳаёти, дунёқараши, ҳатто иш ҳақи ўртасидаги тафовутларга барҳам бериш учун маълум вақт кераклигини яхши тушунамиз. Шу маънода собиқ ГДР ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларнинг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари кўп. Бироқ фарқ қиладиган жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Масалан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлиш имконини берадиган ўзининг тараққиёт моделини ишлаб чиқиш учун катта куч сарфлади ва кўп изланишлар олиб борди.

Шарқий Германия эса Германия Федератив Республикасининг тайёр моделини олиб, унинг иқтисодий кўмагидан изчил равишда фойдаланмоқда. Бу борада тажриба алмашиш ўзбек халқи учун ҳам, немис халқи учун ҳам фақат фойда келтиради ва шу боис улар тез-тез учрашиб туришлари керак.

Камчиликлар ҳақида танқидий гаплар айтиш ўз йўлига. Лекин шу пайтга қадар эришилган ютуқлардан фахрлана билиш, одамларга ишониш ҳам керак. Ахир, ислоҳотларни ҳаракатлантираётганлар мана шу замин фарзандлари эмасми?! Мен ўзбек халқининг қадимий бой тарихини жуда қадрлайман. Вақтим бўлди дегунча Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларга саёҳат қиламан. Бу ердаги қадимий обидаларни ўрганиш ва умрини узайтириш ишларида немис археологлари ҳам қатнашаётганидан мамнунман.

**(Давоми 4-бетда).**

Ўлкамизни боғ-роғларга буркайлик

## БУХОРОНИНГ АСЛ КЎЧАТЛАРИ

### иқлим ва тупроқ шароитига мослиги, мевасининг мазаси ҳамда ҳосилдорлиги билан ажралиб туради



3-бетда ўқинг

| МАРКАЗИЙ БАНК АХБОРОТИ | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 1 Австралия доллари 962,12 | 1 БАА дирҳами 338,53 | 1 ЕВРО 1618,41 | 1 Хитой юани 160,33 | 1 Турк лираси 885,79 |
| | 1 Англия фунт стерлинги 2427,74 | 1 АҚШ доллари 1243,21 | 1 Россия рубли 47,19 | 1 Кувайт динори 4300,57 | 1 Япон иени 101,94 |

## *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори*

*2007 йил 12 феврал*

# 2006 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида

*(Боши 1-2-бетларда).*

17. Молия вазирлиги (Азимов) Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев) ва Марказий банк (Муллажонов) билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва аҳолига бошқа тўловларни тегишли равишда кўпайтирган ҳолда 2010 йилга бориб ўртача иш ҳақи 2,5 баравар барқарор ошишини таъминлайдиган аниқ чора-тадбирлар бўйича асосли таклифларни бир ой муддатда тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хаитов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Давлат статистика қўмитаси (Қудратов), Адлия вазирлиги (Отахонов) амалдаги қонун ҳужжатларига ҳудудлар бўйича меҳнат билан банд бўлмаган ва ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли тоифаларини аниқ белгилайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан белгиланган нормалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқиш методикаси бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

19. Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Азимов) Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев), Давлат мулки қўмитаси (Мусаев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштиришни янада рағбатлантириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар. Ҳукумат қарори лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилсин:

кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ўрни ва ролини қатъий ва изчил ошириш, 2010 йилга бориб унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 50-52 фоизга етказиш, экспорт ҳажмини кўпайтириш;

кичик бизнеснинг техник ва технологик тузилмасини яхшилаш, юқори технологияли ишлаб чиқаришларга жадал ўтиш, бозор талаби ўзгариши ҳисобга олинган ҳолда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган замонавий асбоб-ускуналар, ихчам ва мослашувчан технологиялар билан жиҳозлаш;

машинасозлик ва металлга ишлов беришда, енгил саноатда, айниқса трикотаж, тикув ва пойабзал саноатида, шунингдек қурилиш материаллари саноатида кичик корхоналар ташкил этиш кўламларини кенгайтириш;

кичик бизнесда юқори профессионал интеллектуал меҳнатдан кенг фойдаланиш, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини жорий этиш.

20. Адлия вазирлиги (Отахонов), Молия вазирлиги (Азимов), Фермер хўжаликлари уюшмаси (Қобилов), Савдо-саноат палатаси (Шайхов) Бош прокуратура (Қодиров) билан биргаликда бир ой муддатда давлат назорат органларининг корхоналар хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашишга уринишларини маъмурий ва суд тартибида жазолашни қатъийлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича, уларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кўриб чиқиш учун таклифлар киритсинлар.

21. Молия вазирлиги (Азимов) аудиторлик фаолияти ва суғурта соҳасидаги ишларнинг аҳволини, шунингдек умуман молиявий инфратузилмани ривожлантириш самарадорлигини танқидий баҳоласин ва бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига фаолиятнинг ушбу турларини янада такомиллаштириш ва тадбиркорлик тузилмаларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан аниқ таклифлар киритсин.

22. Марказий банк (Муллажонов), Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (Арипов), Давлат мулки қўмитаси (Мусаев) тижорат банклари ва лизинг компанияларини билан биргаликда бир ой муддатда банкларга бўлган ишончни ошириш, банкмолия тизимида ислоҳотлар кўламларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Комплекс тадбирлар қуйидагиларга йўналтирилсин:

устав сармояларини кўпайтириш ҳисобига банкларнинг капиталлашуви даражасини ошириш, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва потенциал инвесторларнинг, шу жумладан хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорларида фаол жойлаштириш;

инвестиция жараёнларида, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда банкларнинг ўз сармояси билан кенг иштирок этишини таъминлаш;

нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш, мижозларнинг биринчи талаби бўйича нақд пул билан узлуксиз ва сўзсиз таъминлаш;

мини-банклар тармоғини ва банклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш.

23. Марказий банк (Муллажонов) Адлия вазирлиги (Отахонов), Давлат мулки қўмитаси (Мусаев), бошқа манфаатдор идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликни танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятида тижорат банкларининг кенг ва фаол иштирок этиши учун ҳуқуқий шарт-шароитларни шакллантиришга доир аниқ таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари (Ханов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Ашрафхонов), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Холмуҳамедов) «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси (Холматов), «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси (Тешабоев), «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси (Вагапов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Коммунал соҳани янада ислоҳ қилиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш, буғқозонларни ва иссиқлик таъминоти тизимларини модернизация қилиш дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Дастурда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини янада ихчамлаштиришга; ширкатлар билан коммунал ва таъмирлаш-қурилиш хизматларини кўрсатаётган корхоналар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга; истеъмолчиларни иссиқлик ва сув билан узлуксиз ва сифатли таъминлаш учун иссиқлик ва сув таъминоти корхоналари ходимларининг масъулиятини ошириш ва уларни рағбатлантиришнинг аниқ механизмини жорий этишга; ёқилғининг муқобил турларини қўллаган ҳамда маънавий эскирган тежамсиз буғқозонларни алмаштирган ҳолда иситиш ва иссиқ сув таъминотининг маҳаллий тизимларига босқичма-босқич ўтишга алоҳида эътибор берилсин.

Мазкур топшириқнинг бажарилиши 2007 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида танқидий муҳокама қилинсин.

25. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, ноҳукумат жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бўлимлари ва бандлари белгиланган муддатларда тўлиқ ва сўзсиз бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар. Бунда янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишга ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларининг аниқлигини, табақалаштирилишини ва самарадорлигини оширишга, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими органлари фаолиятини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор берилсин.

Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) Дастурга киритилган чора-тадбирлар амалга оширилиши устидан доимий назорат ўрнатсин ва унинг натижаларини Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида ҳар чоракда кўриб чиқсин.

26. Мазкур мажлис қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

# БУХОРОНИНГ АСЛ КЎЧАТЛАРИ

## иқлим ва тупроқ шароитига мослиги, мевасининг мазаси ҳамда ҳосилдорлиги билан ажралиб туради





Автобусда икки отахон узумчилик ва боғдорчилик ҳақида суҳбатлашиб боришарди.

— Худога шукур, бултур боғларимизда ҳосил баракали бўлди. Ҳанузгача хонадонимизда мева-чева сероб. Бир қисмини бозорда пуллаб, даромад ҳам олдик, — гапида давом этарди биринчи чол. — Набирам айрим дарахтлар ҳосилини алоҳида-алоҳида ўлчаб кўрибди. Ҳар туп олма ўртача 350 килодан, беҳи 460 килодан, узум 330 килодан мева берибди.

— Бизда ҳам ҳосил аввалги йилларга нисбатан анча яхши бўлди, лекин сиз айтганчалик эмас. Дарахтларимиз касалланди, айримлари саратон иссиғида қуриб ҳам қолди. Меваларнинг шакли чиройли бўлса-да, таъми мақтанарли даражада эмас, — деди шериги.

Суҳбатдан маълум бўлдики, дастлаб гап бошлаган отахон вақтида кўчатларни Бухоро боғдорчилик-ниҳолчилик илмий тажриба хўжалигидан, иккинчи оқсоқол эса қўшни вилоятлардан келтирилган ниҳоллардан харид қилган экан. Пировардида улар ҳар қандай кўчат ўз иқлим ва тупроқ шароитига мос равишда яхши ривожланади ҳамда кутилган ҳосилни беради, деган хулосага келдилар.

Суҳбат сабаб ушбу хўжаликка йўл олдик. Хўжалик боғлари, ниҳолзорларида иш қизғин. Бир томонда ариқ-зовурлар тартибга келтирилаётган бўлса, иккинчи томонда кўчат қатор оралари хас-хашаклардан тозаланиб ерга ишлов берилаяпти, суғорилаяпти. Бошқа томонда бир гуруҳ боғбон ва ишчилар сотиш учун тайёрланган кўчатларни навларга ажратиб, машиналарга ортишмоқда.

— Бир гектар ерда ток кўчатлари етиштирдим, — дейди оилавий пудрат бошлиғи Тўймурод Баҳронов. — Хўжаликка 25 минг туп ҳусайни, қора ва қизил ишбирғони, тойфи узум кўчатларини топширдим. Кўчатларнинг бари соғлом ва серҳосил токлардан олинган. Мақсадим — ўлкамизда боғ ва узумзорлар кўпайсин.

Хўжалик аъзоларининг барини эл манфаати учун жон куйдирадиган фидойи инсонлар, дейиш мумкин. Улар етиштирган ноёб кўчат ва гуллар воҳа ҳуснига-ҳусн қўшиб келмоқда.

Бир пайтлар иқтисодий танг аҳволда қолган хўжалик бултур 48 миллион сўм соф фойда олишга эришди.

— Бугунги кунда 135 нафар аъзомиз билан 235 гектар ерда фаолиятимизни давом эттираяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда хўжалик директори Маҳмуд Саидов. — Боғ ва токзорларимизда олма, нок, беҳи, ўрик, олхўри, шафтоли, гилос, хурмо, бодом, анор, анжир, ток кўчатлари, шунингдек гулларнинг энг сара навлари етиштирилади. Баҳоргача 250 минг туп кўчат сотишни режалаштирганмиз. Илмий изланишлар давомида яратилган ниҳолларнинг барчаси шўрга ва касалликларга чидамли, серҳосил, хуштаъм ҳамда кафолатлидир. Буни нафақат вилоятдошларимиз, балки қўшни вилоятдагилар ҳам яхши билишади. Шу боис харидорларимиз йил сайин кўпаймоқда.

Дарҳақиқат, «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қароридан сўнг Бухорода ҳам боғ-роғлар сатҳи кескин кўпаймоқда. Мазкур қарор асосида собиқ ширкат хўжаликлари тасарруфидаги боғ ва токзорлар кимошди савдолари орқали эгаларига берилгани дастурхонимиз тўкин-сочинлигининг муҳим омилига айланмоқда.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**
**Муаллиф олган суратлар**



# Ҳамкорлик ва тараққиёт йўлидан

*(Боши 1-бетда).*

Ўзбекистон Германияни Ғарбий Европадаги энг муҳим ҳамкори деб ҳисоблайди. Ўз навбатида Германия ислоҳотларни амалга ошириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш соҳасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон билан Германия ўртасида уюшган жиноятчилик ва наркобизнесга қарши кураш борасида ҳамкорлик изчил йўлга қўйилган. Икки халқнинг маданий-маърифий алоқалари йилдан йилга ўсиб бормоқда.

***Мухбир:*** ***– Газеталаримизнинг муассиси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳисобланади. Бинобарин, биз маълум маънода уларнинг манфаатлари ва қизиқишларини ифодалаб келамиз. Шундан келиб чиқиб, Германия касаба уюшмалари фаолияти ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.***

**Элчи**: – Касаба уюшмалари Европадаги ишчилар ҳаракатлари натижасида юзага келган. Ўша дамлардан бошлаб ишчиларнинг иш шароитларини яхшилаш, иш берувчи билан ишчилар ўртасидаги ўзаро мулоқотни йўлга қўйиш, иш соатларини қисқартириш ва шу аснода қисман жамиятни яхши томонга ўзгартира бориш борасида фаолият кўрсатадилар. Улар тадбиркорлар уюшмалари билан мулоқотга киришиб, корхоналарга боғлиқ бўлмаган ҳолда қанча меҳнатга қанча ҳақ тўлаш тўғрисидаги тариф шартномалари тузадилар, иш ҳақларини ошириш борасида баъзан иш ташлашлар уюштириш йўли билан ҳам кураш олиб борадилар.

Ишчилар, хизматчилар, мансабдорлар ҳамда касб-ҳунар мактабида ўқиётган шахслар, қисқача қилиб айтганда, ёлланма ишчилар ГФРда иш ўрнига эга бўлган қарийб 36.0 миллион кишининг 89,3 фоизини ташкил этади. Шу билан бир қаторда Германияда яна 3,5 миллион киши мустақил меҳнат фаолияти билан шуғулланади. Улар иш берувчилардир. Мустақил меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган кишилар қўлида ишлаётган шахсларнинг 311000 нафари ўз оила аъзолари бўлса, қолганлари ёлланма ишчилардир. Акциядорлар уюшмалари, федерациялар, ўлкалар, жамоалар ва бошқа давлат муассасалари ҳам иш берувчи сифатида фаолият кўрсатадилар. Манфаатлари бир-бирига зид бўлишига қарамасдан иш берувчилар ва ёлланиб ишлайдиган шахслар ҳамкорлик қилишга мажбурдирлар. Германияда тариф автономияси амал қилади: иш берувчилар ва ёлланма ишчилар касаба уюшмалари давлатнинг иштирокисиз жамоа шартномалари (тариф битимлари)ни тузиш ва имзолаш ҳуқуқига эгадир. Давлат қонун чиқарувчи сифатида умумий шартларни белгилаб берса-да, аммо ишчи ёки хизматчи маълум ишлаб чиқариш тармоғида ойига қанча пул олиши лозимлигини қатъий белгилаб қўймайди. Ушбу ва яна бошқа кўпгина масалалар, айтайлик, ишчининг меҳнат таътили неча кун бўлиши хусусида келишиб олиш касаба уюшмалари ва иш берувчилар уюшмалари, яъни тариф шартномалари тузиш бўйича ҳамкорлар вазифалари сирасига киради.

Германиядаги энг катта касаба уюшмаси ГКУБ, яъни Германия касаба уюшмалари бирлашмасидир. Ўн битта касаба уюшма ташкилотини бирлаштирган ушбу ташкилотда 1999 йилнинг охирида тахминан 8.04 миллион аъзо бор эди. Металлургия, металлни қайта ишлаш саноати ходимлари касаба уюшмаси, давлат хизмати ва транспорт ходимлари касаба уюшмаси, тоғ саноати, химия ва энергетика саноати ходимлари касаба уюшмаси, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва экология ходимлари касаба уюшмаси, савдо-сотиқ, банклар ва суғурта хизмати ходимлари касаба уюшмаси, почта хизмати ходимлари касаба уюшмаси, темир йўллар, таълим-тарбия ва фан соҳасида ишлайдиган ходимлар касаба уюшмаси, озиқ-овқат ва умумий овқатланиш шохобчалари ходимлари касаба уюшмалари, полиция ходимлари касаба уюшмаси, оммавий ахборот воситалари ходимлари касаба уюшмаси, ёғочни қайта ишлаш ва синтетика саноати ходимлари касаба уюшмалари ГКУБга бирлашган. Бу уюшма учун тармоқ принципи характерлидир.

Улар шахсни корхонада қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, иқтисоднинг аниқ тармоғида ишлаётганлигига қараб ўз сафларига қабул қиладилар. Масалан, босмахонада ишлаётган ҳайдовчи ҳам, бухгалтер ҳам, фаррош ҳам оммавий ахборот воситалари ходимлари касаба уюшмаси аъзоси бўлиши мумкин. ГКУБ билан бир қаторда Германия хизматчилари касаба уюшмаси ҳам мавжуд. 1999 йилнинг охиридаги ҳисоб-китоблар бўйича унда 462000 аъзо бўлган. Бу ташкилотга иқтисоднинг қайси соҳасида бўлмасин, аммо хизматчи лавозимида ишлаётган кишилар аъзо бўлишлари мумкин. 1.2 миллион аъзога эга бўлган Германия мансабдорлари касаба уюшмаси мансабдорларнинг энг муҳим ташкилоти ҳисобланади. Мансабдорларнинг ўзига хос ҳуқуқий мақомга эгалигига боғлиқ равишда бу ташкилот коллектив шартномалар тузиш борасида музокаралар олиб бормайди ҳамда иш ташлашлар ташкил этмайди. Унинг қолган барча жиҳатлари касаба уюшмаси жиҳатларига мос келади, шу боис сезиларли таъсир қувватига эга. Германия насронийлар касаба уюшмаси бирлашмаси 305000 аъзога эга.

Германия касаба уюшмалари сиёсий партияларга ва черковга қарам эмас.

Ҳеч ким касаба уюшмасига аъзо бўлишга мажбур қилинмайди. Касаба уюшмасига аъзо бўлиш ихтиёрийдир. Германияда «closed shop» тизими мавжуд эмас, яъни тадбиркор билан касаба уюшмаси ўртасидаги шартнома бўйича фақат касаба уюшмасига аъзо бўлган шахсларни ишга оладиган биронта корхона йўқ. Ташкиллаштирилиш даражаси, яъни иқтисоднинг маълум тармоғида ишлаётган ёлланма ишчилар ўртасидаги касаба уюшмаси аъзолари сони ҳам турличадир, аммо ўртача олганда бу рақам 50 фоиздан камроқни ташкил этади. Касаба уюшмалари ихтиёрида ўз аъзолари учун кўплаб ўқув муассасалари мавжуддир.



Касаба уюшмаларининг энг асосий вазифаси, яъни улар кўрсатадиган фаолиятнинг ўзагини хўжалик ҳамда ижтимоий соҳаларда машғул бўлган ишчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш ташкил этади. Бундан ташқари, Германия касаба уюшмалари барча даражадаги сиёсий институтларга касаба уюшмалар нуқтаи назари хусусида ахборот беради ва улар олдига касаба уюшмалари талабларини қўяди. Европа Иттифоқи органларида ҳам Германия касаба уюшмалари ўзи аъзо бўлган касаба уюшмалари вакили сифатида фаолият кўрсатади. Германия Федератив Республикасида касаба уюшмалари фаолияти Асосий Қонуннинг 9-моддаси 3-бандида тилга олинган иттифоқлар ва жамиятлар тузиш эркинлиги ҳуқуқи билан кафолатланган. Асосий Қонуннинг 9-моддасида, жумладан, шундай дейилади:

«(1) Барча немислар иттифоқлар ва жамиятлар тузиш ҳуқуқига эгадир.

(2) Мақсадлари ёки фаолияти жиноятга оид қонунларга зид келадиган ёхуд мавжуд Конституциявий тузумга ёки халқларнинг ўзаро бир-бирини тушуниш ғояларига қарши қаратилган бирлашмалар тузиш ман этилади.

(3) Ҳар кимга ва ҳар бир касб эгасига иқтисодий ва меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилиш мақсадида бирлашмалар тузиш ҳуқуқи берилади. Ушбу ҳуқуқни чеклаш ёхуд уни амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида тузиладиган битимлар ҳақиқий эмас, шунга йўналтирилган барча чора-тадбирлар ғайриҳуқуқийдир».

Германия Федератив Республикасида барча иш олувчилар жинсидан, ёшидан, миллатидан ҳамда касб малакасидан қатъи назар ушбу ҳуқуққа эгадир.

Иқтисодий ва меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида бирлашмалар тузиш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш ёки ушбу ҳуқуқни қандайдир чеклаб қўйиш йўлидаги ҳар қандай ҳаракатлар ғайриқонунийдир. Касаба уюшмалари қоида бўйича қайддан ўтказиладиган бирлашмалар сифатида ташкил қилинади, яъни уларнинг ички тузилиши Низом билан белгиланади.



***Мухбир:*** ***– Элчи жаноблари ҳақидаги маълумотлар ҳам муштарийларимизни қизиқтиради.***

**Элчи**: – 1952 йилда туғилганман. Юриспруденция бўйича мутахассисман. 1982 йилдан бери дипломатия соҳасида ишлаб келаман. Германия Ташқи ишлар вазирлигида, хориждаги элчихоналарда масъул вазифаларда ишлаганман, элчилик қилганман. 2006 йилнинг сентябр ойидан ГФРнинг Ўзбекистондаги элчихонасини бошқариб келаяпман. Рус, француз, инглиз, испан ва араб тилларини биламан. Ўзбек тилини ўрганиш ҳам менга тоғларингизда саёҳат қилиш каби хушкайфият бағишлайди.

Ўзбек халқига самимий тилаклар билан.



**А.АБДУРАЗЗОҚОВ,**
**Й.ПАРДАЕВ,**
**«Ишонч» мухбирлари**

Журналист суриштируви

# Қозончининг эрки бор...

***Хоразм вилояти Гурлан туманидаги Бирлашган қишлоғида яшовчи фуқаро Бекиммат Жуманиёзов катта оила бошлиғи. Ўн йиллардан бери собиқ ширкат хўжалигида 4-5 гектар пудрат ерни ижарага олиб, пахта етиштиради. Маълумки, 1991 йилда мамлакат Президенти Фармонига мувофиқ аҳолига қўшимча томорқа ерлари ажратилди. Бу эса Бекиммат ака каби болажон оила бошлиқлари учун айни муддао эди. Чунки деҳқончилик — ризқ-рўз манбаи-да! Лекин орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, пудрат ёнгинасидан берилган 0,12 га томорқадан бинойидек фойдаланиб келаётган Б. Жуманиёзовнинг 2005 йилда ҳаловати бузилди. Бошқа жойларда бўлгани каби «Намуна» ширкат хўжалиги негизида ҳам фермерлик ташкил этила бошланганди.***

Масъул мутасаддиларнинг бепарволиги боис, айрим фуқароларнинг қўшимча томорқа ерлари ҳам фермер хўжаликлари ҳисобига қўшиб берилди. Жумладан, Бекиммат аканинг томорқаси ҳам 2005 йилда «Шомурот—Ўктам» фермер хўжалиги ҳисобига ўтиб кетди.

— Бунга, аввало, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидагилар, собиқ «Намуна» ширкат хўжалиги ер тузувчилари сабабчи деб биламан, — дейди Б. Жуманиёзов. — Чунки улар фермер хўжалиги ташкил этилишидан олдин ҳар бир дала, ҳар бир контурнинг жойлашув харитасини тузганларида собиқ ширкат хўжалигининг бош пудратчилари (бригада бошлиқлари) ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғини раислари билан маслаҳатлашишлари керак эди.

Дарҳақиқат, Бекиммат аканинг эътирози ўринли. Гурлан туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Зарипбой Ўрозалиев бу борада жиддий лоқайдликка йўл қўйгани етмагандек, кейинчалик ўз хатоларини тўғрилашга ҳам ҳаракат қилмаган. Чунончи, 2005 йил давомида томорқасиз қолган Б. Жуманиёзов ўз ҳуқуқини талаб қилиб, тегишли ташкилотларга мурожаат қилади. Гурлан туман ҳокими номига ёзган аризасига 2005 йил 2 июнда жавоб берар экан, Зарипбой Ўрозалиев, жумладан, шундай дейди: «Хўжаликда барча ер майдонлари 2005 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинлари экишга шартнома қилинганлиги сабабли (аризангиз —таҳририят) ҳосил йиғиштириб олинганидан кейин йил якунида кўриб чиқилади...».

Юқори ташкилот раҳбарлари Б. Жуманиёзов аризасига панжа орасидан қараган, десак янглишишимиз табиий. Чунки улар аризага қонуний ёндошиб, ундаги важларни ўрганиб чиқиш учун масъул идорага жўнатганлар. Ана шу масъул идора — Гурлан туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ҳисобланиб, унинг бошлиғи Зарипбой Ўрозалиевнинг ўз ишига лоқайд, фуқаролар манфаатини унчалик назар-писанд қилавермайдиган киши эканлигини ким ҳам билиб турибди, дейсиз...

2005 йилнинг декабр ойига келиб Б. Жуманиёзов фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судига Зарипбой Ўрозалиев ва Баҳром Жуматовлардан маънавий зарар ундириш берилишини сўраб ариза билан мурожаат қилади. 15 декабр куни бўлиб ўтган суд мажлиси қарорига биноан Б. Жуманиёзовнинг даъвоси қисман қаноатлантирилади. «Унинг (Б. Жуманиёзовнинг— таҳририят) фойдасига маънавий зарар учун Ўрозалиев Зарипбойдан 30 минг сўм, Жуматов Баҳромдан маънавий зарар учун 70 минг сўм, тўлаган давлат божи учун 4700 сўм, жами 74700 сўм ундирилсин», — дея таъкидланади суд қарорида. Бироқ ушбу қарорда «Даъвогар Жуманиёзов Бекимматнинг моддий зарар ундириш ҳақидаги даъво талаби кўрилмасдан қолдирилсин», деган жумла ҳам йўқ эмас. Чунончи, қарорда даъво талабларини тасдиқловчи ҳужжатларни тўплаган ҳолда судга қонунда белгиланган тартибда алоҳида даъво ариза бериш ҳуқуқи борлиги Б. Жуманиёзовга тушунтирилади.

Ажаб ҳангомалар эса 2006 йилнинг ёзида давом этади. 15 июн куни ФИБ Хоразм вилоят судининг кассация судлов ҳайъати ўз биносида ўтказилган очиқ суд мажлисида ФИБ Шовот туман судининг 2005 йил 15 декабрдаги ҳал қилув қарорини кассация тартибида бекор қилиш тўғрисида ажрим қабул қилади. ФИБ Хоразм вилоят судининг судлов ҳайъати 2005 йил 15 декабрдаги Шовот туман судининг Б. Жуманиёзов фойдасига маънавий зарар ундириш ҳақидаги қисми билан келишолмаганини билдиради. «Чунки, — дея таъкидланади суд ажримида, — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорнинг 2-бандига кўра, маънавий зарар деганда жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилади.

Шу қарорнинг 3-бандида «Амалдаги қонунга кўра (ФКнинг 1021-моддаси) маънавий зарар етказганлик учун жавобгарликнинг келиб чиқишига асос бўлувчи шартлардан бири зарар етказувчининг айби бўлиши ҳисобланади. Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолатлар бундан мустаснодир. Масалан:

— зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлигига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса;

— зарар фуқарога уни қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф равишда қўллаш, маъмурий жазо қўллаш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса;

— зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса», деб кўрсатилган.

Шунингдек, суд ажримида: «Ушбу қонун нормасига кўра, жавобгарлар томонидан даъвогарга қандай асосларда маънавий зарар етказилганлигини белгиловчи омиллар йўқ», — дея қайд этилади.

Тўғри, биз вилоят судлов ҳайъати ажримига эътироз билдирмоқчи эмасмиз. Ҳақиқатан ҳам Б. Жуманиёзов судга моддий зарар етказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қила олмаган. Бироқ даъвогарнинг томорқаси олиб қўйилгач, бир йил мобайнида даромадсиз қолганининг ўзи — зарар кўриш эмасми?! Ахир, республика Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли қарорида «маънавий зарар» тушунчаси изоҳланар экан, бу борада сўз кетганда, аввало, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа хил азоблар тушунилиши таъкидланганлигини судлов ҳайъати ўз ажримида баён қилаяптилар-ку! Б. Жуманиёзовнинг бир йил томорқасиз қолиб, ҳар йили оладиган 1000000 сўмлик даромаддан қуруқ қолганининг ўзи — зарар эмасми?! Ёхуд барча фуқаролар қатори Президент Фармони талабларидан келиб чиқиб яратилган имконият — қўшимча томорқага эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишининг ўзи — маънавий зарар-ку! Қишлоқ кишисининг бир йил ерсиз, экин-тикинсиз қолишининг ўзи қанчалик иқтисодий ночорликларга олиб келишини судлов ҳайъати яхши тушуниши керак.

Ажабланарлиси шуки, мазкур судлов ҳайъати ажримида «Фуқаролик ишида ушбу низоли 0,12 га ер майдонининг Б. Жуманиёзовга ажратилгани ҳақида ҳужжат йўқ», — деб таъкидланади. Аслида 1991 йилдан эътиборан Ўзбекистон Президенти Фармонига мувофиқ аҳолига оммавий тарзда қўшимча томорқа ажратиб берила бошланди. Бунинг учун ер тузувчилар харита, контур ўлчамлари ёхуд чизмалар тайёрлаб, ҳар бир томорқачи қўлига тутқазгани йўқ. Фақат қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги «Хўжалик дафтари»га фуқароларнинг неча сотих ер майдонига эга эканлиги тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Жумладан, 0,12 сотих қўшимча томорқа тўғрисида ҳам. Шунга кўра, суд қишлоқ фуқаролар йиғинидан бу тўғрида маълумот беришни талаб қилганида айни муддао бўлур эди.

Дарҳақиқат, Б. Жуманиёзовнинг Зарипбой Ўрозалиев билан бирга Баҳром Жуматовдан ҳам маънавий ва моддий зарар ундириш мақсадида бўлгани унчалик мантиққа тўғри келмайди. Чунки Баҳром Жуматов фермер хўжалиги ташкил қилингач, ўзига ажратиб берилган ер майдонида фаолият юритади. Ер тузувчилар унга Б. Жуманиёзовнинг қўшимча томорқаси жойлашган майдонни ҳам хатлаб берган экан, демак унда айб йўқ. У — белгиланган режани бажаришга мажбур. Бироқ Баҳром Жуматов буткул «оппоқ» ҳам демоқчи эмасмиз. Чунки у «Шомурот—Ўктам» фермер хўжалигини ташкил қилгач, унга ажратиб берилган ер майдонида илгари пудратчи бўлиб ишлаган меҳнаткашларни ишга қабул қилади. Улар қатори 10—15 йилдан буён 4 гектар ерда оилавий пудратчи бўлиб ишлаб келаётган Бекиммат аканинг қизи Нилуфар Жуманиёзова ҳам янги фермер хўжалиги ишчисига айланади. 2005 йил декабрда Нилуфар турмушга чиқади. «Шомурот—Ўктам» фермер хўжалигидан биркитилган 1,5 гектар ер майдонида Бекиммат аканинг ўғли Қаҳрамон ва келини Нигора Абдуллаевалар меҳнат қиладилар. 2006 йил экиш мавсуми муваффақиятли якунланиб, ғўза ниҳоллари бир текис униб чиққач, яганалаш ишлари бошланиб кетади. Май ойининг охирларига келиб, Баҳром Жуматов Бекиммат ака оиласини иш бермасдан даладан ҳайдаб юборади. Бир йил мобайнида қилган меҳнатлари эвазига эса бор-йўғи 24 минг сўмни қўлларига тутқазади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, бу каби ғирромликлар бошқа фермер хўжаликларида ҳам йўқ эмас. Ширкат хўжаликлари давридаги пудратчиларни фермер хўжаликлари раҳбарлари иш билан таъминлаш мажбуриятини ўзлари имзолаган шартнома талабларига мувофиқ зиммаларига олишган. Бироқ, афсуски, айрим фермер хўжалиги раҳбарлари ширкат хўжалигини тугатиш ва фермер хўжаликларини ташкил этиш комиссияси томонидан юқори балл олиш мақсадида шартномада кўрсатилган ҳар қандай талабларга ўша вақтда рози бўлиб, собиқ пудратчиларни фермер хўжаликларига ишга олганлари ҳолда, орадан 7—8 ой ўтгач, ҳар хил баҳоналар билан собиқ пудратчиларни ишдан ҳайдаш ҳолларига учрамоқда. Ажабланарлиси шундаки, Баҳром Жуматов ҳам Нилуфар Жуманиёзовнинг бир йиллик меҳнат ҳақи учун бор-йўғи 24 минг сўм пул берган. Қолаверса, Баҳром Жуматов Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси» талабларини бузгани ҳолда ўз ишчиси билан Меҳнат шартномаси тузмаган, ҳатто Н. Жуманиёзовага «Меҳнат дафтарчаси» ҳам очмаган. Устига устак, фермер хўжалиги раҳбари билан ширкат хўжаликларини тугатиш ва фермерликни ташкил этиш комиссияси ўртасида имзоланган шартномада ҳар бир ишчининг ойлик маоши Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган энг кам иш ҳақи қийматидан оз бўлмаслиги кўрсатилган.

Дарвоқе, туман ҳокимлиги, туман прокуратураси аралашгач, Бекиммат акага кейинчалик «Шомурот—Ўктам» фермер хўжалиги ҳудудидан томорқа ажратиб берилган.

— Бу ер қумлоқ, кам ҳосил, — дейди Бекиммат аканинг турмуш ўртоғи Бика опа. — Бизга тағин шу фермер хўжалиги ҳудудидан ер беришмоқчи эмиш. Шундай экан, нега ахир ўзимизнинг олдинги томорқамизни олиб қўйишди? Ахир, болаларимиз у ерда 15 йилдан буён меҳнат қилиб, маҳаллий, азотли ўғитлар билан ишлов бериб, ерни тўйинтирган эдилар. Бир йилда томорқамиздан ўртача 1500 килограмм буғдой олардик. Ғаллани йиғиштириб олгач, иккинчи экин сифатида шоли кўчатлари экиб, кузда 1000 — 1200 килограмм ҳосилга эга бўлардик. Рўзғоримиз обод, бояд-шояд эди.

Бекиммат ака уф тортади.

— Ҳозирги қумлоқ томорқамизга сув очсак, Баҳромбой уришиб беради. Нима эмиш, ерига зах ўтармиш. Ахир унинг ўзи гектарлаб шоли экиб қўйибди-ку. Биз бечораларга навбат келганда эса...

Кекса отахон Давлат Эшметов жим туролмади.

— «Шомурот—Ўктам» фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Жуматов Бекимматнинг қўшимча томорқасига фақат маккажўхори экилишигагина рухсат берган. Ахир 12 сотих ер майдонига экилган маккажўхоридан қандай даромад олиш ва рўзғор тебратиш мумкин?

Дарҳақиқат, ижтимоий ҳимоя ҳақида сўз борар экан, энг аввало олис қишлоқда истиқомат қилаётган кўпболали оилалар кўзда тутилади.

«Қозончининг эрки бор, қайдан қулоқ чиқарса», деганларидек, кимга қанақа ердан томорқа беришни мутасаддиларнинг ўзлари яхши билишади. Бироқ балл банитети юқори бўлмаган, кам ҳосили ерларни томорқага ажратиш масаласи ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керакка ўхшайди.

**Эрпўлат БАХТ,**
**журналист**

Инсон ва табиат

***Асалари — кўп қиррали тимсол. У донолик, унумдорлик, меҳнатсеварлик, тежамкорлик, тозалик ва фаросат рамзидир.***

***Аксарият асотирларда асалари осмон, юлдузлар тимсоли бўлиб хизмат қилган ва оламнинг яратилишида ёвуз руҳга қарши туриб, Худо билан бирга иштирок этган, дейилади.***

***Бошқа манбаларга кўра, асал ва асалари у дунё билан боғлиқ деб ҳисобланган. Ҳатто айрим сағаналарда унинг сурати акс этган бўлиб, абадийлик ва тирикликни билдирган. Асаларининг қишки уйқусини вақтинчалик ўлим деб ҳисоблашган. Грек, Яқин Шарқ, Ислом анъаналарида асалари қалбга ўхшатилган. Унинг уяси ерни, ернинг қалбини, муҳофазани, оналикни, меҳнатсеварлик ва тежамкорликни англатган.***

***Бугун биз ушбу ноёб жонзот ҳақида сиз муштарийларга қисқача маълумот беришга ҳаракат қиламиз.***



# Абадийлик ва тириклик тимсоли



Асаларилар асал тайёрлайди, чунки асал уларнинг таомидир. Тўғрироғи, бу маҳсулотни тайёрлаш жараёни асалари кўчи учун овқат тайёрлаш усулидир.

Биринчидан, асалари гулларни қидириб топади ва уларнинг нектарини тўплайди. Кейин уни ўзига хос асал қопчасида ташиб келади. Қопсимон бўшлиғи асалари қорни олдида жойлашган. Бу аъзони қориндан ажратиб турувчи очилиб-ёпиладиган парда мавжуд.

Асал тайёрлашнинг биринчи босқичи асалари қорнидан бошланади. Нектар таркибидаги қанд кимёвий реакцияга киришади. Иккинчи босқичда нектардан сув ажралиб чиқади. Бунга арихонадаги иссиқлик ҳамда ҳавонинг алмашиб туриши орқали эришилади. Асаларилар олиб келадиган мумкатакдаги асал таркибида табиий нектарнинг суви кўп бўлади ва у ҳеч қачон бузилмайди! У етилиши ҳамда келгусида асалариларга овқат бўлиши учун мумкатакка солиниб қўйилади.

Айтганча, асаларилар нектар тополмай қолган пайтларда қўнғизлар ишлаб чиқарадиган ҳар турли ширин суюқликларни ёки ўсимлик безларидан ажралиб чиқадиган ширани йиғадилар.

Асални арихонадан турли усулда оладилар. Уни мумкатакдан босим остида сўриб олишади. Асални арихонадан олинган мумкатакларда ҳам сотишади. Бироқ асал, асосан, мумкатакдан асал экстрактори орқали сўриб олинади. Марказдан қочирувчи кучдан фойдаланилганда, асал мумкатакдан ажралиб чиқади.

Асал қайси гуллар нектаридан йиғилгани ва арихона қайси жойда жойлашганига қараб кескин фарқланади. Асалнинг таркибида жуда кўп моддалар бор. Унинг асосий таркибини қанднинг икки тури, бизга таниш бўлган глюкоза ва фруктоза ташкил этади.

Шунингдек, оз миқдорда сахароза (шакарқамиш шираси), мальтоза, декстрина, минерал моддалар, ҳар хил ферментлар, жуда оз миқдорда витаминлар, ундан ҳам озроқ протеин ва кислота бор.

Асалнинг ранги ва шираси ҳар хил бўлади, бу унга манба бўлган нектарга боғлиқ.

### *АСАЛАРИГА БИР КИЛОГРАММ АСАЛ ЙИҒИШ УЧУН ҚАНЧА ВАҚТ КЕРАК?*

Келинг, бир ҳисоблаб кўрайлик. Оддий катта асалари бир соатда 6,5 километр тезликда учади ва бир кунда ўртача 700 та гулга қўнади. Анча йиллар олдин бир асаларининг бир килограмм асал йиғиши учун қанча нектар тўплаши ҳисоблаб чиқилган. Бунинг учун у 19 миллион гулга қўниб, 300 минг километр учиши лозим. Табиийки, асалари жудаям меҳнаткаш ҳашорат, аммо у қанчалик тиришмасин бир килограмм асални мутлақо йиға олмайди. Бунинг сабаби — унинг умри жудаям қисқа. У бор-йўғи 30-35 кун ҳаёт кечиради. Шундай қилиб, одамлар арихонадан оладиган бир килограмм асални ягона асалари эмас, балки бутун бир уя йиққан бўлади. Арихонада эса ҳар бир асаларининг қатъий белгиланган аниқ вазифаси бор.

Баъзи асаларилар нектар йиғса, бошқалари уни олиб мумкатакка ғамлайди. Айрим асаларилар тозаловчи вазифасини бажаради, яъни мумкатакларни тозалаб, янги ҳосил учун тайёрлайди. Тўртинчи хил асаларининг вазифаси оддий туюлади, улар қанотларини шамоллатгич мисоли ҳилпиратиб туради, вассалом. Бу ҳам ўта муҳим. Асаларилар арихонани шу тариқа шамоллатадилар. Навбатчи асалариларсиз ҳаёт ўтказиш қийин. Қоровуллик хизматини бажарадиган асаларилар ҳам бор. Улар душманлар кириб қолмаслиги учун навбатма-навбат арихона оғзида туриб пойлоқчилик қиладилар. Алқисса, ишчи асалариларнинг иши бошидан ошиб ётади. Уларнинг вазифаси доимо алмашиб туради. Бугун нектар йиғиб келган асалари эртасига, масалан навбатчи ёки озиқчи бўладилар. Қолганлари эса ўз навбатида «ўлжа» излаб кетадилар ёки қанотларини силкитиб арихонани шамоллатиб ўтирадилар. Бу ҳол ҳар куни такрорланади. Фақатгина она асалари ишламайди, унинг мавқеи ўзига хос ва бошқа муҳим ишлар билан банд бўлади. У тухум қўяди. Тухумлардан эса тез орада янги авлод пайдо бўлади.

### *АСАЛАРИ МАЛИКА*

«Малика» намоён бўлиши учун асалари кўчи керак. Афсуски, асалариларнинг ҳаммаси ҳам кўч бўлиб яшамайди. Асаларисўққабошларнинг ҳар хил тури бор. Улар орасида асалариларнинг икки тури — эркаги ва тухум қўядиган урғочиси мавжуд.



Кўч ёки оила бўлиб яшайдиган асаларилар орасида «ишчи асаларилар» дейиладиган учинчи бир тури бор. Тухум қўймайдиган урғочилари ишчи асаларилардир. Шундай қилиб, асаларилар оиласида ишчилари эркаклари ва битта тухум қўядиган урғочиси бутун оиланинг онаси бўлади. У она ёки малика асалари дейилади. У вақтини ўзгача тарзда ўтказади. Малика қишни қумлоқ жойда ёки етарли шароит бўлган бошқа ердаги уясида ўтказади. У қишни ўтказадиган оиладаги яккаю ягона асаларидир. Кўкламда у янги оила яратишга киришади.

Малика аввалига қароргоҳ қидиради. Қароргоҳ — ташландиқ сичқон уяси ҳам бўлиши мумкин. Сўнг у уядаги юмшоқ нарсаларни бир жойга тўдалаб, унинг тагидан кейинчалик питомник вазифасини ўтайдиган чуқурча ковлайди. Шундан кейин у гуллар атрофини айланиб учади, улардан гулчанг ва нектар йиғиб овқатини — «нектар ва гулчанг аралашмаси»ни гувалалаб тайёрлаб қўйган қуруқ чуқурчага жойлайди. У бу гувалага бир нечта тухум қўйиб, уни мумлайди ва танаси билан совуқ ҳаводан асраш мақсадида устига чиқиб ўтиради.

Ёнидан уя — катта мумкатак ясаб, тухумларидан бирontаси очиб чиққунгача етадиган миқдорда асал билан тўлдиради. Наслининг биринчи авлоди етилиб, темирқанот бўлиши билан оналарининг жонига оро киради. Улар мумкатак ясайдилар, уни об-ҳаво бузилган кунлари ейиш учун асал билан тўлдирадилар.

Мавсум бошланиши билан ишчи асаларилар дунёга келади. Ёз охирларига бориб оилада ёш оналар ҳамда эркаклари пайдо бўлади. Кузга келиб оила ажралади. Маликанинг (ёки онанинг) ёз бўйи қилган иши фақат тухум қўйишдан иборат бўлади.

Асалари онаси тухумни қўйишга қўяди-ю, лекин уларга ғамхўрлик қила олмайди. У бир кунда 1500 та, бир мавсумда тахминан 250.000 та тухум қўя олади. У оталанган уруғларини ажратиб қўяди ва оиланинг эҳтиёжига қараб улардан ишчи ёки урғочи асаларилар пайдо бўлади. Оталанмаган уруғларидан эркак асаларилар пайдо бўлади.

Ёш оналар махсус уяларда вояга етади. Улар ташқарига чиқишларидан олдин она ва тахминан ишчи асалариларнинг ярми янги оила яратишлари учун ажраладилар. Ташқарига биринчи бўлиб чиққан ёш она ўз опа-сингилларини уяларидаёқ ўлдиради ва янги она малика бўлиб олади!

### *ҚОТИЛ АСАЛАРИЛАР*

1956 йили генетик олим Уорвик Керр мўмай фойда олишга интилаётган бразилиялик асаларичиларнинг топшириғи билан ушбу мамлакатга серасал ариларнинг Африкада яшайдиган турини олиб келади. У жуда меҳнаткашлиги билан бошқаларидан фарқланиб турарди. Бу тур асаларилар тез учади, ишни эрта бошлайди ва кеч тугатади, Бразилияда парвариш қилинадиган Европа асаларилариданикки ҳисса кўп асал беради. Шунинг баробарида улар жуда дарғазаб, сержаҳл ва тажовузкордир. Заҳри эса токсинли бўлади. Олим «африкалик» асаларииларини қатъий ажратиб қўйишнинг барча чораларини ишга солди. Шу мақсадда у асаларичилик тажриба хўжалигини қишлоқлардан узоқда, ўрмонларда жойлаштирди. Ўша ерда у тропик Жанубий Америка шароитига мослашган шаклини яратиш учун уларни Европа асаларилари билан чатиштиради. У Европа асаларилариға нисбатан эллик фоиз кўп асал берадиган дурагай насл олишга муваффақ бўлди. Уларнинг яна бир хусусияти — тропик ва субтропик шароитларда экинларни жуда яхши чанглатарди. Шуниси ачинарлики, дурагайларга Африка асаларисининг ғайратчанлик, меҳнаткашлик, серасаллик фазилатлари билан бирга уларнинг тажовузкорлиги ҳам кўчиб ўтди.

Ғайриихтиёрий кўч пайдо бўлмаслиги, ишчи асаларилар кириб-чиқиши ва урғочилари билан эркаклари ўтолмаслиги учун арихона кўзига махсус қопқоқ қўйилди. Аммо кунларнинг бирида кутилмаган воқеа содир бўлди. Асалари тажриба хўжалигига маҳаллий асаларичи келиб қолди ва қопқоқни суриб қўйди. Оқибатда йигирма олтита асалари оиласи эркинликка чиқиб кетди...

Бу воқеани унутиб юборишганди. Аммо Бразилиянинг ҳар томонидан асаларилар одамларга, молларга, уй ҳайвонларига беҳад талофат етказаётганлиги ҳақидаги ташвишли хабарлар кела бошлагач, тажрибани эслаб қолишди. Маълум бўлишича, «тажовузкорлар» тажриба хўжалигидан қочиб чиқишган асаларилар экан. Маҳаллий аҳоли ўзларига ваҳима солган учувчи йиртқичларга «қотил асаларилар» дея ном беради. Олимлар эса уларни «африкалашган асалари» дейишади. Одам ёки ҳайвон томонидан бирор безовталик сезиши билан улар ўша дилозорга кўч бўлиб ташланишган. Бу эса аксарият ҳолларда фожиали якун топарди. 1969 йили Бразилияда икки юздан ортиқ одам асалари чақишидан вафот этган, жароҳатланганлар сони эса бир неча юз мингдан ошиб кетган. Минглаб от ва сигирлар қотил асалариларнинг қурбонига айланишган. Натижада асаларига қарши курашувчи махсус гуруҳлар ташкил этилган.

Вақт ўтиши билан янги насл бутун Бразилияга тарқалди, сўнг Жанубий Американи босиб олди. Америка ҳукумати ҳатто қотил асалариларнинг тасодифан кириб қолишининг олдини олиш мақсадида қатъий карантин чораларини кўрди.

**Манзура УСМОНОВА тайёрлади**

Одат ва анъаналар

***У пайтда мен Тошкент давлат университети геология факультетининг охирги курсида ўқир эдим. Дўстим Мусурмон Турсоатов билан диплом ишимизга далил ва ашёлар тўплаш учун Қашқадарё геология қидирув экспедициясига қарашли гуруҳ билан ишлай бошладик. Ҳисорак атрофидаги Нондак қишлоғида ишни якунлаб Бойсунга йўл олдик. Йўлда булоқ бўлиб, ундан қишлоқ подаси сув ичар экан. Дам олиш учун булоқ олдида тўхтадик. Кўмкўк майсада ёнбошлаб анча дам олдик. Бир пайт ёнимга шерикларимиздан бири келиб «Ака, ҳайдовчини кузатиб туринг, қизиқ воқеанинг гувоҳи бўласиз. У мачайлик. Биласиз, улар қорамол (сигир) гўштини емайди. Ана у ерда ётган моллар ўзи йўл бўшатмагунча, у машинасини ҳайдамайди», - деди. Унинг гапидан сўнг ҳайдовчини диққат билан кузата бошладим. Бироздан кейин кетишга тайёргарлик кўра бошладик. Ҳайдовчи ёнига борган йигитга нимадир деди, у бориб подани четга ҳайдади ва биз жўнаб кетдик.***

# Мачайликлар



Ўрта Мачай қишлоғига етгач, қолган йўлни от ва эшакда давом эттирдик. Чунки ўнқир-чўнқирларда машина юролмас эди. Бизга қишлоқдан ўттиз беш ёшлар атрофидаги Бобо исмли киши йўл кўрсатувчи сифатида ҳамроҳлик қилди. Арчазорга кирганимиздан сўнг дам олиш эълон қилинди. Шу пайтда Бобо бизга ана шу арчазорда бўлиб ўтган воқеани ҳикоя қилиб берди.

Бир чўпон қўйларини доимо ана шу ерда боқар экан. Бир куни кеч тушганида у қўйларини қўтонга қамаб ўзи ҳам чайласига кириб чарчоқдан бир зумда ухлаб қолади. Аксига олиб ўша куни шериги қишлоққа кетган, ёнида ити ҳам йўқ экан. Бир маҳал итларнинг йўқлигидан фойдаланиб арчазорда яшаётган айиқлардан бири секин шу ерга қараб келаверади. Буни қарангки, у қўйлар эмас, балки тўғри чўпон ётган чайлага киради. Чўпонга ташланади ва уни чала ўлик ҳолда судраб тепалик томонга олиб кетади. Эртаси куни шериги келса чўпон йўқ. Қўйлар ҳаммаси бир чеккада турибди. У чайладан тепаликка қараб кетган изни кўриб дарҳол бу ҳақда қишлоқдагиларга хабар беради. Тепалик устига чиқиб не кўз билан кўришсаки, чўпоннинг мурдаси устига тош бостирилгани ҳолда бир харсанг тагида ётар эди. Бу айиқнинг иши эканлиги аён. Чунки айиқ доим ўз ўлжасини бироз ҳидлантириб ейишни хуш кўради.

Бобонинг ҳикоясини тинглаб дам олиб бўлгач, яна йўлга тушдик. Кечки маҳал кенг майдонда тўхтаб палаткаларни ўрнатиб ухлаш учун жой ҳозирладик. Эртасига ишни майдон билан танишишдан бошладик. Бош геолог ҳар биримизнинг жойимизни тақсимлаб берган эди, менга майдоннинг шимолий қисми тегди. Шу ерда кузгача ишни давом эттирдик. Гарчи қор бўлмаса-да, ҳаво совуқ бўлгани учун чодирда чўян печка ўрнатдик. Бир куни печка атрофида исиниб ўтирганимизда Бобо анчагина гўшт олиб келди. «Бир қорамолимиз жардан йиқилиб оёғи синган эди. Шуни сўйиб гўштини олиб келдим», - деди. Шунда бир шеригимиз «Ие, уч қишлоқ аҳлидан битта қорамол гўшти ортиб қолдими?» - дея сўради. «Бизнинг удумларимизни билмайсизлар шекилли,- деди Бобо. - Ахир ота-боболаримиздан қолиб келаётган одатга кўра мол гўштини емаймиз».

Геолог бўлишнинг гаштли томони шундаки, турфа одамлар билан танишиб, турли воқеалар гувоҳи бўласиз, бирбиридан қизиқарли ҳикояларни эшитасиз. Ўша пайтларда чодиримизга меҳмон бўлиб келган яна бир кишининг машғулоти бизни жуда қизиқтириб қўйди. Илон овлаш билан бирга мўмиё йиғар экан.

- Чўққида ғор бор, - деди у. - Ана шу ғордан ҳар 3-4 йилда келиб мўмиё олиб кетаман. Агар хоҳловчилар бўлса олиб боришим мумкин.

Мен у билан бориш истагини билдирдим. Меҳмон ғорга олиб борадиган йўл жуда тик ва ингичкалигини, ғорда илонлар борлигини айтиб огоҳлантирди. Эртаси эрталаб беш киши бўлиб йўлга отландик. Ғорга етиб боргач, келишувга биноан, дўстим билан бир ишчи чўққининг орқа томонидан арқон ташлаши, мен меҳмон билан чўққининг ярмигача ингичка йўлдан супача томонга ўтишимиз, қолган бир киши бирор кор-ҳол бўлса ёрдамга шай туриши керак эди. Мен арқонни белимга боғладим, шеригим арқонни ушлади. Шу тариқа аста-секин ўта бошладик. Гапнинг очиғи, тик қоянинг пасти 40-50 метр чамаси жарлик бўлгани учун мени ваҳима чулғаб олди. Агар оёқ тойиб кетгудек бўлса, тушиб кетган одам соғ чиқмаслиги аниқ. Бир амаллаб у ердан ўтиб ғор олдига келдик. Ғорнинг кириш жойи кичик бўлиб, баландлиги бир ярим метр, эни эса бир одам сиғадиган даражада эди. Аммо ичи кенг экан. Қўлчироқ ёрдамида ичкарига кирдик. Ғорнинг тепа қисмидан узун-қисқа мум сумалаклар осилиб турарди. Уларнинг ёнида мўмиёлар ҳам бор экан. Сал нарироқда, яъни ғорнинг ичкарироғида ётган қора илонга кўзим тушди. Шеригим унга қараб ишора қилган эди, у орқага тисарилиб ғор тўрига борди ва кулча бўлиб ётди. Шундан сўнг биз мўмиё олиб изимизга қайтдик.

Қиш бошланаётганида экспедиция иши якунланиб қолганди. Қор ёғиб тоғларда ҳатто эшак ва отда ҳам юриш қийинлашди. Шунинг учун вертолёт ёрдамида майдон пастидаги Мачай қишлоғига тушдик. Бу ерда Бобонинг уйида уч-тўрт кун меҳмон бўлдик. Ана шу даврда яна кўплаб воқеаларнинг гувоҳи бўлдик. Қишлоқдаги аксарият уйларда отнинг охурига ўхшаган ўчоқчалар бўлиб, унга одамлар олов ёқиб атрофида рақс тушишар экан. Ҳаммасидан қизиғи, дарахт тепасида ичига сомон тиқилган бузоқчалар қўйилганини ҳам учратдик.

Бир куни ўртоқлар билан тушлик қилиш учун Бобо аканинг ҳовлисидаги ўчоқда қозон осиб унга гўшт консервасини солиб иситмоқчи бўлдик. Консерва қутичани Бобо аканинг қизчаси ўйнаб уйга олиб кирибди. Онаси қути устидаги сигир сурати ва ёзувни кўриб шаҳд билан олдимизга келди.

— Бизнинг қозонимизда ҳеч қачон сигир гўшти пишмаган, бу нима қилиқ? - дея сўради.

Биз жавоб беришга улгурмасдан қозонни олиб бориб итнинг идишига ағдарди.

Хуллас, шу каби одатлари билан мачайликларнинг ҳиндларга яқинлигини билиш мумкин. Гарчи бу ҳолат кимгадир эриш туюлса-да, улар ўзлари учун муқаддас саналган анъаналарга доим эътиқод қилишади.

**Жўрақул ЙЎЛДОШЕВ**

Бугуннинг гаплари

***Сирдарё вилоятининг энг чекка Шарқобод қишлоғига бориб, тўғриси, лол қолдим. Буни қарангки, хонадонлардаги уй телефонлари деярли ишламас экан. Уларнинг ўрнини уяли алоқа воситалари эгаллабди. Таниқли фермер Суюн Норқўзиев чўнтагидан қўл телефонини олиб касбдошига қўнғироқ қилди ва кўз ўнгимда бир кунлик ишини битириб олди. Кейин билсам, мазкур қишлоқда салкам 50 хонадон уяли алоқа воситасидан фойдаланаркан.***

# Замонанинг зайлига қаранг...

Гулистонга қайтиб, Миллий банкнинг Сирдарё бўлими биноси олдидан ўтаётсам, қишлоқча либосдаги қизнинг қулоғини ушлаб бораётганига кўзим тушди. Қулоғи оғриб, шифохонага бораётган бўлса керак, деб ўйлабман. Бироқ, унинг пиқирлаб кулаётганини кўриб, уяли алоқа воситасида гаплашаётганлигини англадим.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан «Саломатлик» лойиҳаси раҳбари Аъзамжон Ибодуллаевнинг суратини олишим зарур эди. Ниятимни айтиб, узоғи билан эртаси куни тушликка қадар расмга тушиб беришини илтимос қилдим. «Шошманг, эртага овора бўлиб юрасизми», дедида, у чўнтагидан телефонини олиб ўзини расмга туширди ва компьютерга улаб, суратни дарҳол қўлимга тутқазди.

Бошқа шаҳардаги дўстимни байрам билан қутлаш учун конверт харид қилгани почтага борувдим, сотувчи аёл осмондан тушган одамни кўргандек ғалати қараш қилди. Қизиқиб суриштирсам, одамлар анчадан бери конверт харид қилмас, кўпчилик ўз табрикномаларини интернет ёки электрон почта орқали жўнаётган экан.

Компьютер, факс degani ҳам ғирт мўъжиза. Масалан, компьютерда мақола ёки хабарнома матнини терасиз-да, пойтахтда чоп этиладиган газета таҳририятига электрон почта ёки факс орқали саноқли сониялар ичида жўнатасиз. Яқингинада бошқача эди. Автобусга ўтириб, йўл юриб бориб мақолани ўз қўлимиз билан элтиб берардик. Қимматли вақт эса беҳуда совриларди.

Сўнгги пайтларда ўз-ўзимдан кўнглим тўлмайди. «Ҳечдан кўра кеч» деганларидек, компьютер ўрганишга киришдим. Ғайратим чакки эмас, интернет ҳам чўт бўлмай қолди. Аммо, ҳар нарсанинг бир лекини бор, деганларидек, бу ютуқларнинг ҳам салбий жиҳати йўқ эмас, шекилли.

Жумладан, компьютер актёрлик касбининг инқирозига сабаб бўлмасайди. Ҳозирги замоннинг кўплаб филмларида улар ўрнини юксак маҳоратли «ҳамкасблари» эгаллаяпти. Сираси, ҳақиқий актёр билан компьютердагисини фарқлаш мушкул. Қаранг-а, киночилар ҳатто марҳум актёрларни ҳам «тирилтириш» йўлини топишибди. Масалан, Оливер Рид «Гладиатор» филми тугамасдан оламдан ўтган эди. Унинг ролини компьютерда яратилган «қиёфадоши» давом эттирди. «Само капитани ва келажак олам» филмида эса бундан анча муқаддам вафот этган Лоуренс Оливье рол ижро этди.

Тасаввур қилинг, диванда ётиб газета ўқияпсиз. Фақат қўлингизда одатдаги қоғоз саҳифалар эмас, пластик плёнкалар. Ҳар 5 — 10 дақиқада кўз ўнгингизда ундаги ахборотлар ва суратлар ўзгариб туради. IBM ва Массачусетс технология институти экспертларининг фикрича, яна 7 йилдан кейин бугунги газеталар ана шундай қиёфани касб этади. Бундай электрон қоғозлар худди дисплейлар каби матнлар ва фотосуратларни ўтказгичсиз янги технологиялар ёрдамида қабул қилади.

Хулоса қилиш мумкин, келажак «газета»си ҳозиргисидан деярли фарқ қилмайди, бироқ уни бураб, найча шаклига келтириб, худди даструмолча сингари буклаб чўнтакда олиб юриш имконияти туғилади.

Бундан ташқари, электрон қоғозга интернетдан ахборот олувчи қурилма-мослама ҳам ўрнатилади. Бунақа қоғозда бемалол китоблар чоп этса бўлади.



Энди видеокассета харид қилиш керакми ёки йўқми, деган савол билан дўппини ерга қўйиб, бир ўйлаб кўринг. Мутахассисларнинг башоратларига қараганда, амалдаги йилнинг адоғида видеокассеталар, уларга қўшилиб видеомагнитофонлар ҳам оммавий истеъмол бозорида инқирозга учрайди. Сабаби шундаки, бугунги кунда DVD дисклар хонадонларимизга кириб кела бошлади ва видеокассеталар ҳамда видеомагнитофонларни истеъмол бозоридан сиқиб чиқараяпти. Яқинда кенжа ўғлим шундай DVD аппаратини уйга олиб келганда, ўша мутахассислар ҳақ эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдим. Устигаустак, DVD дисклар ғоятда сифатли бўлиб, жуда кам жойни эгаллайди.

Ҳали айтганимиздек, уй ва ишхона телефонлари касодга учраяпти. Боиси «МТС-Уздунробита», «Билайн», «Коском» ва бошқа алоқа компанияларининг мижозлари кундан-кунга ортиб бораётир. Тараққиёт жадал илгарилаяпти. Кечаги воқелик бугун эскириб эртакка айланяпти.

Принтер ва факс аппаратлари ҳам ўтмишга юз бураяпти. Электрон почта — Интернет бор экан, принтер ва факсдан фойдаланишга ҳожат қолмаяпти. Демак, энди мен интернетга уланишим керак.

«Microsoft» компанияси асосчиси Билл Гейтс «телевизор ўз ўрнини аста-секин компьютерга бўшатиб беради», дебди. Томошабин у орқали ўзи истаган пайтда интернет билан боғланиб, хоҳлаган филмини томоша қилиши, янгиликлардан хабардор бўлиши мумкин эмиш. Рекламаларни эса фақат қизиққан кишиларгина кўради. Насиб этса, бу кунларга ҳам етиб қолармиз...

**Пиримкул ДЎСТ МУҲАММАД,**
**жамоатчи мухбир**



# ОРЗУЛАРИ БИСЁР БОЛА

## ёхуд унинг энг яқин ишқибози ҳақида

***Бир кундан сўнг набирасининг Сурхонадарёга мусобақага кетишини эшитган Сотволди отанинг кўнглига ғулғула тушди. Ётар-турари, еяр-ичари дегандек сафарга бориб-келишининг ўзи бўлмайди. Беш-ўн сўм пул бериб юбориш керакмиди, деб ўйлади беихтиёр. Ўғли уста Алижон Сирдарёда ишда бўлса. Бугун, эрта қайтса-ку хўп-хўп. Бўлмаса...***

«Боқувда етилиб турган ҳўкизни сотаман. Еми ҳам озгина қолганди». Сотволди ота хаёлига келган фикрдан қувониб кетди. Шундай ўй билан кўчага чиқди-да, мол савдоси билан шуғулланадиган маҳалладошининг уйига борди.

Иши осон битганидан кўнгли жойига тушган ота энди дам олмоқчи бўлиб, турганида кўча эшикдан ўғли Алижон кириб келди.

— Ҳизр бувани йўқласам бўларкан, эндигина хаёлимдан ўтиб тургандинг. Агар сал кечикканингда, ҳўкизни сотиб юборардим-а!, — деди отанинг чеҳраси ёришиб...

Эртасига нонушта пайти чой устида бобо набирасига тайинлади:

— Абдуллажон, тағин чемпион бўламан, деб жуда чарчаб қолмагин. Музқаймоқ ема! Шамоллаб қоласан, хўпми? Ўзингни эҳтиёт қил, болам.

— Хўп бўлади, бобожон. Барибир ютишга ҳаракат қиламан, сиз ҳам дуо қилинг, майлими?

Набираси барибир ўз айтганини қилди. Бир ҳафтадан сўнг кўксида медал билан уйга кириб келди. Ёнида мураббийси Валижон қўлида DVD плеэрни кўтарганча, шогирдининг ютуғидан мағрурланиб турарди.

— Мен чемпион бўлдим, — дея соғинчдан кўзларига ёш келиб, қучоқ очиб турган бобосининг бағрига ўзини отди...

Абдуллажон Сотволдиев Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги 16-умумтаълим мактабнинг тўртинчи синфида ўқийди. У спортнинг таэквандо WTF тури билан икки йилдан буён шуғулланиб келади. Ваҳоланки, гўдаклигида анча нимжон эди. 2-синфга кўчганда мактабда таэквандо тўгараги очилди. Бошида мураббийи жиккак жуссали болани бу қадар муваффақиятларга эришади, деб ўйламаганди. Бироқ, Абдуллажон анча эпчил ва чайир чиқиб, спортнинг бу турига чин дилдан ихлос қўйди.

— Дадам жуда ишқибоз одам-да, — дейди кичик чемпионнинг дадаси Алижон. — Набираси агар бирор мусобақага бормай қолса, хафа бўлиб қолади. Чунки ўғлимнинг биринчи мухлиси — дадам. Чойхонада ўтирганда ҳам у билан фахрланиб, чолларга мақтаниб қўяди. Ҳамиша уни катта мусобақаларда зафар қучиб, юртнинг шарафини бутун дунёда улуғлашини орзу қилади.

Ўз навбатида ёш таэквандочи Абдуллажон ҳам отасини уялтириб қўяётгани йўқ. У Қувасойда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 10 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган Республика мусобақасида илк марта иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди. Андижондаги Таэквандо WTF очиқ чемпионатида ҳам зафар қучди. Анча номдор таэквандочилар татамига чиққан Тошкент шаҳридаги беллашувларда иккинчи ўрин соҳиби бўлди. Жарқўрғон тумани ҳамда Фарғонада ўтказилган мусобақаларда яна шоҳсупанинг юқорисига кўтарилди.

— Ҳар йили ўғлим олти ёки еттита йирик турнирларда иштирок этади, — деди Алижон. — Бу сафарларнинг ҳаммаси учун маблағ зарур, албатта. Биз йилига ўғлим учун 500-600 минг сўм атрофида маблағ сарфлаймиз. Аммо, беш қўл баробар эмас. Қишлоғимизда ёш иқтидор эгалари анчагина, лекин...

Суҳбатдошим ёнига ўғлини чақирди.

— Қани, амакингга бир ҳунарингни кўрсат-чи! - деди.

Ҳақиқатан ҳам Абдуллажоннинг чиройли ҳаракатлари кишини ўзига ром этади. Дадаси ушлаб турган «лапа»ни шундай зарб ва тезлик билан тепаётганини кўз ҳам илғамай қолади. Дадасига қараб «Тепароқ кўтаринг», деб ҳам қўяди. Бола бола-да, ўзини кўрсатгиси келди.

— Ҳамма фарзандининг соғлом ва бақувват бўлишини истайди, — ўғлининг ҳунаридан масрур ота сўзида давом этди.— Шу билан бирга орзуларимиз ҳам бир дунё. Фарзандимизни халқаро майдонларга чиқиб, Ватан шаъни учун беллашганини кўриш барчамизга насиб этса, дейман.

Дарҳақиқат, юртимизда иқтидорли болалар жуда кўп. Ҳукуматимиз ҳам болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Яратиб берилаётган қулай шароит ва имкониятлар ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



# ҚАТНАШИШНИНГ ЎЗИ ҲАМ МУҲИМ

***Шу кунларда Италиянинг Виорежио шаҳрида футбол бўйича дунёнинг барча қитъалари етакчи жамоаларини ўзида жамлаган анъанавий «Coppa Carnevale», яъни «Карнавал кубоги» халқаро турнири давом этмоқда.***



Турнир асосан клубларнинг ёшлар таркиблари ўртасида ўтади ҳамда бу йил 1987 — 1991 йилларда туғилган футболчилар майдонга чиқишмоқда. Шунингдек, таркибга 1986 йилда туғилган икки нафар ўйинчини қўшишга ҳам рухсат берилган. Бу йил ушбу нуфузли турнирда Италиянинг барча етакчи жамоалари ҳамда «Жувентуд» (Уругвай), «Малайзиан Индиан» (Малайзия), «Сантос Лагуна» (Мексика), «АПИА» (Австралия), «Сантос» (Бразилия), «Андерлехт» (Бельгия), «Де Камберен» (Сенегал), «Црвена звезда» (Сербия), «Аррийо Секо» (Аргентина), «Нью-Йорк Старс» (АҚШ), «Маккаби» (Исроил), ОФК (Сербия), «Каллон ФК» (Серра-Леона), «Либерти Орадея» (Руминия), «Семенкес Олимпикус» (Камерун), «Спартак» (Россия), «Пахтакор» (Ўзбекистон) клублари, жами 48 та клуб баҳсларга киришишди. Мусобақага учинчи йил ташриф буюрган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси 12-гуруҳдан «Парма» (Италия), «Спартак» (Москва) ва «Раппр» (Италия) клублари билан бирга жой эгаллади. Дастлабки ўйинни «Парма»га 2:1 ҳисобида бой берган ҳамюртларимиз иккинчи учрашувда Москва спартакчилари билан дурангга имзо чекишди — 1:1.

Учинчи ўйинда Италиянинг «Раппр» футболчилари «Пахтакор»га имкон қолдирмади — 5:1. Гарчи вакилларимиз гуруҳдан чиқа олмаган бўлишса-да, ташвишланишга ўрин йўқ. Муҳими, ёш пахтакорчиларга «Coppa Carnevale»дек нуфузли халқаро турнирда иштирок этиш, дунёнинг энг етакчи клубларига қарши майдонга чиқиб, улардан тажриба ўрганишга замин яратилди. Бу халқаро тажриба эса бизга эртага асқотади.

***Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида Пекин —2008 ёзги Олимпиада баҳсларига чиқиш учун курашаётган Тожикистон ва Ўзбекистон олимпия терма жамоалари биринчи босқич жавоб учрашувини ўтказишди. Гарчи футболчиларимиз дастлабки ўйинда йирик, 4:1 ҳисобида ғалаба қозонишган бўлса-да, хотиржамликка берилишга эрта эди. Чунки тожикистонликлар мураббийи Салоҳиддин Ғофуров умиди жавоб ўйинидан эканлигини бот-бот такрорлаётганди.***

# ШУНДАЙ ДАВОМ ЭТСИН ҲАММАСИ

Душанбедаги «Республика» марказий стадионида ўтган ўйин ҳам асосан тожиклар ҳужуми остида ўтди. Бизникилар эса қарши ҳужум тактикасини қўллашди. Шундай ҳужумларнинг бири, учрашувнинг 29-дақиқасида гол билан якунланди. Ҳужумкор ярим ҳимоячимиз Анзур Исмоилов тожиклар жарима майдонига оширилган тўпни боши билан дарвозага тўғрилаб қўйди — 0:1.

Учрашувнинг 2-бўлими охирларида эса ҳисобни тенглаштиришга обдон уринган меҳмонларнинг шашти ўз-ўзидан пасайди. Чунки Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг ҳимоячилари ва дарвозабони бехато ҳаракат қилишиб, бунга замин яратишди. Ўйиннинг охирги дақиқасида эса Марат Бикмаев тожик дарвозабонининг хатосидан фойдаланиб, ҳисобни янада йириклаштирди — 0:2. Тожикистон футбол Федерацияси мутасаддилари ўйин якунида учрашувда фаоллиги билан ажралиб турган Виталий Денисов (Ўзбекистон) ва Жамшид Исмоилов (Тожикистон)ларни «Энг яхши ўйинчи» деб топишди.

Бу босқичдан муваффақиятли ўтган терма жамоамиз энди Олимпиада—2008 йўлидаги саралаш ўйинларини иккинчи босқичда давом эттиришади. Бизнинг «F» гуруҳимиздан эса қуйидаги терма жамоалар ўрин олишган: БАА, Жанубий Корея, Яман.

Дастлабки ўйинимиз 28 феврал куни Тошкентда Бирлашган араб амирлиги футболчиларига қарши ўтади.

Шу ўринда учрашувлар тақвимини ҳам келтиришни лозим топдик.

**28 феврал**. Ўзбекистон — БАА, Ж. Корея — Яман
**14 март.** Яман — Ўзбекистон, БАА — Ж. Корея
**28 март.** Ж. Корея — Ўзбекистон, Яман — БАА
**18 апрел**. Ўзбекистон — Ж. Корея, БАА — Яман
**16 май**. БАА — Ўзбекистон, Яман — Ж. Корея
**6 июн**. Ўзбекистон — Яман, Ж. Корея — БАА.

Эслатиш жоизки, иккинчи босқичда 24 жамоа 6 гуруҳга бўлинган ҳолда ўйинларда қатнашишади. 2-босқич якунида юқори икки ўринни эгаллаган термалар яна уч гуруҳга бўлиниб, шу йилнинг 22 август — 21 ноябр кунлари ўтадиган Олимпиада-2008 йўлидаги сўнгги, учинчи саралаш босқич баҳсларида қатнашадилар.

Бизнинг гуруҳдан ташқари 2-босқич гуруҳларида яна қуйидаги терма жамоалар бор:

**«А» гуруҳи**. Баҳрайн, Қувайт, Қатар, Покистон.
**«В» гуруҳи.** Япония, Малайзия, Сурия, Гонгконг.
**«С» гуруҳи.** Уммон, Ливан, Индонезия, Вьетнам ёки Афғонистон (бу жамоаларнинг 1-босқич жавоб учрашуви муддати кечиктирилган).
**«D» гуруҳи.** Эрон, Саудия Арабистони, Иордания, Австралия.
**«Е» гуруҳи.** Ироқ, КХДР, Таиланд, Ҳиндистон.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# Етти иқлим нафаси

## ЖАҲОН БАНКИ РОССИЯ СУД ИСЛОҲОТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

**ИТАР-ТАСС агентлигининг хабар беришича, Жаҳон Банки Россия суд ислоҳотини қўллаб-қувватлаш учун 50 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш тўғрисида қарор қилган.**

**Россия бўйича ижрочи директор Алексей Квасовнинг айтишича, таклифга эътироз бўлмаганлиги сабабли лойиҳа овозга қўйилмасдан соддалаштирилган тарзда тасдиқланган.**

**Лойиҳадан асосий мақсад - Россияда суд тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, судларда замонавий ахборот технологиясидан кенг фойдаланиш. 5 йилга мўлжалланган лойиҳанинг умумий қиймати 172,4 миллион АҚШ долларини ташкил этади ва унинг асосий қисми Россия ҳукумати томонидан молиялаштирилади.**



## ЯПОНИЯ ЭРОНГА НИСБАТАН САНКЦИЯ КИРИТДИ



Ядро дастурини ривожлантириш муносабати билан Япония Эронга нисбатан санкция жорий қилишни эълон қилди. Эрон ядро дастури билан боғлиқ 10 та ташкилот ва 12 нафар шахснинг ҳисоб рақами музлатиб қўйилади. Ядро соҳасида фойдаланиш мумкин бўлган хом-ашё ва технологияларни Эронга экспорт қилиш тақиқланади. Шунингдек, Эрондан келтириладиган юқоридаги махсулотларни импорт қилиш мумкин эмас.

Япон ҳукумати Бош котиби Ясухиза Сиодзакининг таъкидлашича, санкция Эрон ядро дастури тўғрисида БМТ Хавфсизлик кенгаши резолюциясига асосланади. Санкциянинг шу ҳафта охирида кучга кириши кутилмоқда.

## МИЛЛИЙ БИРЛИК ҲУКУМАТИ ШАКЛЛАНДИ

**Фаластин Мухторияти Бош вазири Исмоил Ханий истеъфога чиқди. Шундай қилиб миллий бирлик ҳукуматини шакллантириш имкони пайдо бўлди. Бу бирликка ФАТХ ва ХАМАС ташкилотлари вакиллари ҳамда бирор бир партия аъзоси бўлмаган фуқаролар ҳам киради.**

**Эслатиб ўтамиз, Макка шаҳрида эришилган янги Вазирлар маҳкамасини шакллантириш тўғрисидаги келишувга мувофиқ Ханий унинг раиси бўлиб қолаверади. ФАТХ ва ХАМАС ташкилотлари етакчиларининг фикрига кўра, Миллий бирлик ҳукуматини шакллантириш Фаластиндаги ички низоларга барҳам беради ва Мухторият учун Халқаро ҳамжамиятга йўл очади.**






## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи
масъулияти чекланган жамияти

*** Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» ва «ВАЗ» автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан сотишини маълум қилади.**



*** Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.**
*** Автомобилларга божхона солиғи тўланган.**
*** Уларнинг сифати тўла кафолатланади.**





*Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор.*
*Мурожаат учун телефонлар:*
*(8-371) 276-33-51. Факс: (8-371) 117-46-10*

## ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ И БУХГАЛТЕРОВ!

**Компания «TETRASOFT» *в честь 10-годовщины своего образования объявляет о снижении цен на свою продукцию.***

**ПАКЕТ ПРОГРАММ ПО АВТОМАТИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ**

*** TS — Бухгалтерия**
— Бюджет
— Профсоюзные организации
— Воинские части МО Руз.
— Производство
— Торговля
— Услуги и др.

*** TS — Зарплата**
Возможность ведения учета в разрезе бюджета и спецсчетов.

*** TS — Кадр+Зарплата**
Комплексное решение задач по учету кадров и начисления зарплаты.

*** TS — Студент+Стипендия**
Комплексное решение задач по учету студентов бюджетной и контрактной формы обучения, учет оплаты контрактных сумм, начисление стипендий.

*** TS — Меню**
Составление меню с одновременным ведением складского учета.

*** Настройка, *Внедрение, *Обучение**
*** Годовое бесплатное сопровождение**
*** Возможность заключения договоров на сопровождение программ**

**НПФ «TETRASOFT»**

**Тел.\факс: (371) 399-71-72**
**Тел.: 127-29-00, 301-51-64**
**E-mail: tetrasoft@ sarkor.uz**

## Пахта Банкда янги «ҲИМОЯ» ҳамда «ТАЛАБА» жамғарма омонат турлари жорий этилди

**Омонатларнинг сақлаш муддати 6 ой ҳамда 1 йил бўлиб, исталган вақтда омонатингизга қўшимча қилишингиз мумкин.**

**Ушбу омонатлар бўйича йиллик 18 фоиз даромад тўланади ва Сиз омонат учун ҳисобланган фоизли даромадингизни ҳар ойда олиб боришингиз мумкин.**

*Ҳурматли фуқаролар, муҳтарам талаба ёшлар.*
*Маблағингизни ишончли қўлларда сақланг ва кўпайтиринг.*
*Омонатингизни ишончли сақлашга ва кўпайишига кафолат берамиз!*
*Сизларга тезкор ва сифатли банк хизматларини кўрсатишдан бағоят хурсандмиз.*

*Омонатга қўйилган маблағингиз «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан ҳам кафолатланганлигини унутманг.*



**Пахта Банк — фаровонлигингиз калитидир!**


Тошкент вилоят Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши жамоаси Самарқанд вилоят тармоқ касаба уюшма кенгашининг Тайлоқ тумани бўйича вакили

**Майсара ЖЎРАЕВА**нинг

бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ишонч» ва «Ишонч — Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси мухбир Аброр Имарқуловга бобоси

**ҚОДИР ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси марказий кенгаши Қўнғирот МТУ касаба уюшмаси ҳудудий қўмита раиси А.Шукуриллаевга волидаи муҳтарамаси

**ЖУМАБИКЕ ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ташаббус — 2007







*Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бевосита мулкчиликнинг ушбу шаклига зарур ҳуқуқий асослар яратиб бериш, доимий эътибор ва рағбат кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш эвазига ҳам амалга оширилади. Бу борада эса анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» республика кўрик-танловининг хизмати бекиёсдир. Тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил этиш, халқ ҳунармандчилигини қўллаб-қувватлаш каби эзгу мақсадларни мужассам этган ушбу тадбирга бўлган қизиқиш йил сайин ошиб бораётгани ҳам шундан бўлса керак.*

# ЮҚОРИ ПОҒОНАЛАР САРИ

Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ўқув марказида «Ташаббус—2007» танловининг туман босқичи ўтказилди. Унда Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида фаолият юритаётган хусусий корхоналар, тадбиркорлар ва ҳунармандлар иштирок этишди.



Беллашув тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳамда ташкил этилган хизматлар ҳақида маълумот олиш имконини берди.

«Энг яхши тадбиркор» йўналишидаги биринчи ўрин «Avitsenna-Aroma» МЧЖга насиб этди. «Энг яхши ҳунарманд» Азим Алимбеков, «Энг мурувватли тадбиркор аёл» «Райҳон-Дона» хусусий фирмаси раҳбари Райҳона Қуримбаева, «Энг мурувватли тадбиркор» Раъно Ҳамидова, «Энг фаол иштирокчи» номига эса «Истиқбол-Дилноза» хусусий корхонаси муносиб деб топилди.

«Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритган «Avitsenna-Aroma» МЧЖ раҳбари Иброҳим Турсунов билан суҳбатлашдик.

— Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтида жойлашган ушбу МЧЖ Ўрта Осиёда ягона янги дезинфекция воситаларини ишлаб чиқаради. «Septa-Dezor» воситасининг таъсир кўрсатиш даражаси юқори бўлиб, у даволаш-профилактика мақсадида тиббиётда фойдаланиладиган буюмларни, меҳмонхоналар, умумий яшаш жойлари, болалар масканларини дезинфекция қилиш учун тавсия этилади.

«Райҳона-Дона» хусусий фирмаси касаначиликни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ҳамда маҳсулотларини четга экспорт қилиш жиҳати билан диққатни жалб этди.

Ғолибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Улар шаҳар босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**Мактуба МЎМИНОВА,**
**«Ишонч» мухбири,**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

# Изоҳи сиздан...





Капалакжон капалак,
Мен тутолмасдан ҳалак,
Гар сўрасанг чин дилдан,
Инъом этаркан фалак.

Келиб қўндинг дўстона,
Бизнинг боғу бўстона,
Дўстлигимизга бўлсин,
Майли бурним остона.

Рухсоринг олди ҳушим,
Ўнгиммиди ёки тушим,
Оразимга ярашмиш,
Менинг жажжи бахт қушим.

**Рустам САТТОРОВ,**
**Наманган шаҳри**

***Қараб ҳеч билолмадим,***
***Нима экан бурнимда.***
***Менга ўхшаб бурни бор,***
***Икки кўз, оёғи бор.***
***Қанотлари камалак,***
***Англадим бу капалак!***

**Нозимахон АҲМАДБЕКОВА,**
**Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани**

«Камбағалнинг мулки кўз ўнгида тургани каби,

Менинг жаҳлим ҳам бурним учида турибди»,

Эҳтиёт бўласиз, дугонажонлар, чиқариб юборманг!

* * *

Марҳамат, «Биоэлита» юз пардалари,

Иболи, ҳаёли, камтарин қизчалар учун.

**Асалхон МЎЙДИНОВА,**
**Янгиқўрғон туманидаги Ш. Рашидов номли мактаб, 6-синф ўқувчиси**



Энг яхши, энг қувноқ изоҳ эгасига махсус совғамиз бор. Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Капалакжон адашдинг,
Мен гул эмас қизалоқ.
Ғашимга тегсанг ногоҳ,
Тортвораман шапалоқ.

**Ханифа РЎЗИМАТОВА,**
**Наманган вилояти,**
**Тўрақўрғон тумани**

# Мунажжим башорати

**(19 - 25 феврал)**



ҚЎЙ. Ҳафта омадли келади. Душанба ва сешанба кунлари муҳим учрашувлар кутилмоқда. Чоршанба куни маъмурият ишлари билан шуғулланиб, келажак режаларингизни аниқлаб олинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида айрим лойиҳалар юзасидан бўладиган алоқаларни тўхтатиб туришга тўғри келади. Сабаби ҳафта охирида янги режалар пайдо бўлади.



**БУЗОҚ. Биринчи уч кунлик ушбу бурж вакиллари учун шахсий ва шерикчилик муносабатларида дўстларнинг кўмаги зарур бўлади. Бизнесдагилар учун алоқаларни мустаҳкамлаб олишга яхшигина имконият бор. Пайшанба харид учун қулай кун. Дам олиш кунлари эса дўстларнинг марҳамати билан сизда янги хабарлар ва ғоялар пайдо бўлади.**



ЭГИЗАКЛАР. Сиз учун ушбу ойдаги энг муҳим ҳафтадир. Шу чоққача ортга суриб келган барча режаларингизни амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Душанба иқтидорингизни намоён этиш учун қулай. Чоршанбада айрим ўзгаришлар рўй беради. Сафарга отланишингиз, иш юзасидан кутилмаган хабар олишингиз мумкин.



**ҚИСҚИЧБАҚА. Ҳафта тинч ва осуда ўтади. Жума куни аввалги ишингиз учун яхшигина ҳақ оласиз. Пайшанба куни соғлигингизга эътибор беринг. Харажат ва мулоқотларда эҳтиёт бўлинг. Дам олиш кунларини дўстлар даврасида ўтказсангиз ютқазмайсиз. Кайфиятингиз сабаб янгидан-янги режалар пайдо бўлса, ажабмас.**



АРСЛОН. Бу ҳафтада шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ барча муаммолар ортга чекина бошлайди. Ҳафта давомида жиддий ишга қўл урмай, янги куч тўплаб олишингиз керак. Душанба куни ёқимли хабар эшитасиз. Ўзингизни бироз хорғин ҳис этишингиз мумкин, тушкунликка тушманг. Дам олиш кунлари ақлий ва жисмоний меҳнатдан тийилсангиз бас.



**ПАРИЗОД. Ушбу ҳафтанинг энг муҳим воқеаси сешанба ва чоршанба кунлари рўй беради. Доимий ҳамкорларингизни алмаштиришингиз ёки янги дўстлар орттиришингиз мумкин. Шахсий ҳаётингизда айрим масалаларни қайтадан кўриб чиқишга тўғри келади. Дўстлар ва яқинларингиз маслаҳатига қулоқ тутинг. Ютқазмайсиз.**



ТАРОЗИ. Ҳамкасбларингиз билан илиқ муносабатларни тиклаш имконияти туғилади. Соғлигингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этинг. Душанба ва сешанба омадли кун. Чоршанба ва пайшанба кунлари янги шароитга мослашишингизга тўғри келади. Ишингизда ўзгаришлар кутилмоқда.



**ЧАЁН. Бу ҳафтада икки ҳисса тер тўкишингизга тўғри келади. Аввал ечилмаган муаммоларни ҳал этишингиз лозим. Айрим "чаён"лар ўқишни давом эттиришса, бошқалари ижодий ишга шўнғиб кетишади. Ҳатто иш жойини алмаштиришга ҳам қарор қилишлари мумкин. Ҳафта ташвишларидан ҳоли бўлиб, саёҳатга чиқиш, яқинлар даврасида бўлиш қулай.**



ЎҚОТАР. Душанба ва сешанба кунлари сизга алоқадор ўта муҳим масала ҳал этилиши кутилмоқда. Ишдаги асосий жараёнлар сизнинг назоратингизда бўлади. Афсуски, ҳафтанинг иккинчи ярмида режаларингизни ўзгартиришингизга тўғри келади. Бироқ дам олиш кунлари сизга кутилмаган совғаларни ваъда бермоқда.



**ТОҒ ЭЧКИСИ. Бу ҳафта юлдузлар сиз томонда. Сермашаққат меҳнатингиз муносиб баҳосини олади. Иқтисодий аҳволингизни ўнглаб оласиз. Ҳафта ўртасида муваффақиятлардан баҳра олиб, кейинги сарф-харажатларни режалаштириб олишингиз мумкин. Пайшанба куни эҳтиёткорликни унутманг. Дам олиш кунлари хордиқ чиқарганингиз маъқул.**



ҚОВҒА. Сиз учун муҳим янгилик ҳафта охирида бўлиши кутилмоқда. Унгача эса тугалланмаган ишларингизни бемалол охирига етказиб олишингиз мумкин. Чоршанба ва пайшанба кунлари жиддий келишувларга қўл урманг, жума куни натижасини кўрасиз. Дўст-душманни ажратиб олиш пайти келмадимикан? Соғлигингизга эътиборлироқ бўлинг.



**БАЛИҚ. Ҳаётингизда жиддий бурилишлар содир бўлиши кутилмоқда. Касбингизни ўзгартириш, чет тилларидан сабоқ олиш каби истаклар туғилиб қолиши мумкин. Уй ва шахсий ҳужжатларингизга эҳтиёт бўлинг. Омадли кун сешанба, чоршанба ва якшанба. Ушбу ҳафтада катта харидлар қилишга уринманг.**

Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 153-52-78
Хатлар бўлими: 153-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар Ⓗ белгиси остида чоп этилади.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи муҳаррир - И.Ҳожиев
Навбатчи - М.Аловуддинов
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдашев

Саҳифаловчи-дизайнер: Ж.Юнусов, Ю.Михайловский.

Буюртма Г— 115 Тиражи: 19219

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.00

Сотувда эркин нархда 2 3 4 5 6 7 8